



**«Жажжи қариялар»
шахса айланмоқда**



**ДАВР
ТАНАЗЗУЛИ**

**Белбоғни мушти-
да маҳкам сиқиб
олган йигитнинг
онаси тўйхонада
ғоздай керилади.**



**Ҳар куну хавотирда
яшаймиз**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 45 (680)
2019 йил
22 ноябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Иқтисодиётимиз барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигини оширади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куну Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз дастлаб Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига борди.

Ушбу IT-парк давлатимиз раҳбарининг 2018 йилда Ҳиндистонга ташрифи чоғида эришилган келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ҳиндистоннинг Электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги қошидаги Дастурий технологиялар парклари жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган.

Бугунги кунда юртимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, инновацияларни жорий этиш учун шароит яратилиб, соҳага инвестициялар жалб этилмоқда. Мамлакатимиздаги илк IT-парк маҳаллий стартап-эко-тизимининг ажралмас қисмига айланиб, стартапчилар ҳаракатини янада ривожлантиришда қулай шароит яратиш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги қароридан технопарк фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирла-

ри белгиланди, шу мақсадда дирекция тузилди. Қурилиш ишлари жадал олиб борилиб, жорий йил июль ойида дастлабки биноси фойдаланишга топширилди.

Технопаркларни ривожлантириш ва дастурий таъминотчилар яратувчиларини қўллаб-қувватлашга Ҳиндистоннинг илғор тажрибасини жалб қилиш мақсадида Ҳиндистон Дастурий технологиялар парклари жамиятининг энг яхши мутахассислари таклиф этилди. Айни пайтда ушбу жамият Ҳиндистонда 57 та технопарк очиб, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, ходимлар билан мулоқот қилди.

Технопаркда молиявий, маркетинг, юридик, консалтинг ва бизнес-акселерация хизматлари кўрсатилади. Бу стартап соҳаси бўйича фаолият кўрсатувчилар учун бизнес-режа ва маҳсулотини тарғиб этиш стратегиясини тузиш, бозор ва рақобатчиларни ўрганиш, иқтисодий фаолиятини тез бошлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, стартап лойиҳаларни амалга оширишда венчур молиялаштириш асосида ёрдам ҳам кўрсатилади.



Бу ерда мутахассислар учун барча қулайликлар яратилган, истиқболли стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. Ахборот технологиялари, молия, логистика, электрон тижорат, электрон таълим, биотехнология ва бошқа йўналишларда илк лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Масалан, АҚШдаги транспорт корхоналарига логистика ҳамда кафе ва пиццерияларга аутсорсинг бўйича технологик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Технопаркнинг бу каби хизматлари арзонлиги, сифати қолибмаслиги билан хорижликларга маъқул бўлмоқда.

— Иқтисодиётимиз барқарорлиги, ҳар бир соҳанинг сифати ва самарадорлиги, аҳолига қулайликлар яратиш ахборот технологиялари билан боғлиқ. Шунинг учун бу соҳага янада кенг имконият, зарур инфратузилма яратиш, мутахассисларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қобилиятли ёшларни тарбиялаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур технопарк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтган корхоналар 2028 йил 1 январга қадар солиқ ва божхона тўловларидан озод этилган. Бу соҳа мутахассисларига катта мадад бўлиб, технопаркка қизиқишини оширмоқда. Қисқа

вақтда резидентлар сони 300 дан ортиди.

Соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш мақсадида бу ерда яна еттига лот қурилиб, IT-офислар, бизнес маркази, меҳмонхона ва бошқа бинолар барпо этиш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу янги босқич қурилишига рамзий тамад тоши қўйди.

Технопаркда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2020 йилда 10 миллион доллардан ортиши, 2025 йилда эса 100 миллион долларга етиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 150 миллион доллар.

— Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда ўзини намоён этмоқда. Ўз вақтида ахборот технологияларига эътибор қаратганимиз яхши натижалар бермоқда. Битта дастурий маҳсулот давлатимизга қанча наф келтирди, коррупция, бюрократиянинг олдини олади, одамларга қулайлик яратди. Ҳар доим ёдда тутинларки, сизларнинг ишингиз жудаям муҳим, — деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев «Ўзэкспоарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида ўтаётган Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 майдаги «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқо-

Давоми 2-саҳифада ▶▶

**ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куну пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига ташриф буюрди.



Ислохотлар самарадорлиги иқтисодиётимиз барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигини оширади

« Бошланғич 1-саноатда

ри бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур тadbир 18 ноябрь кuni бошланган эди. Унда мингта яқин корхона, компания ва фирмалар, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари 10 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Жумладан, бу ерда мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий салоҳияти, импортни оптималлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган тadbирлар акс этган стендлар, истеъмол товарлари, озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқлари, йирик саноат корхоналари ҳамда улар билан ҳамкорлик қиладиган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари маҳсулотлари жойлаштирилган.

Иштирокчилар саноат корхоналарининг экспорт-бop ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари, уларнинг сифат ва техник кўрсаткичлари, улгуржи ва чакана нархлари, корхоналарнинг мавжуд қувватлари каби маълумотлар билан танишмоқда. Бу маҳаллий ва хорижий бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ўрганиш, уларни ишлаб чиқариш ва сотиб олиш бўйича ҳамкорлар топиш, кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб этишда муҳим омили бўлаётди.

Президентимиз ярмаркада намойиш этилаётган маҳсулотлар билан танишди. Уларнинг харидорлиги, локализация даражаси билан қизиқди. Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, импорт бўлаётган деталлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, сифатни таъминлаш орқали харидор ортириш зарурлигини таъкидлади.

Шу ўринда илк бор ўтказилаётган мазкур тadbирнинг аҳамиятига тўхталсак. Маълумки, ҳар йили тармоқлар бўйича саноат ярмаркалари ва кооперация биржалар ўтказилади. Уларда талаб ва таклиф ўрганилиб, корхоналарнинг имконияти, маҳсулоти турлари намойиш этилади. Лекин тан олиш керак, бу ярмаркаларнинг кўпи номига ўтказилган, иқтисодий таъминнинг олган сўзлашган, корхоналарнинг рақобатбардор бўлишига таъсир этмаган.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кейинги йилларда маҳаллий ва хорижий бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни

кенгайтириш орқали иқтисодиётни жадал ривожлантиришга қаратилган изчил чоралар бу борада реал ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди, улар асосида ишлаб чиқарувчилар, тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб этиш, йирик корхоналар билан саноат кооперациясини мустақамлаш ва ривожлантиришни назарда тутди.

« Шавкат Мирзиёевга Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурда ташкил этилган электрон кооперация портали – www.cooperation.uz ҳақида ҳам маълумот берилди. »

Ушбу қарор асосида ташкил этилган саноат ярмаркаси биринчи марта ишлаб чиқарувчи корхоналар, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, харидорларни бир жойга жамлади. Яъни, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона эгаси ярмаркадан шу турдаги маҳсулотга талабгор корхона билан шартнома тузади, натижада худди шундай маҳсулот ёки детални четдан сотиб олишга ҳожат қолмайди, импорт камайди.

Тармоққа мутасадди вазирлик ва компаниялар тadbиркорларга қайси турдаги маҳсулотга эҳтиёж борлиги ёки ишлаб чиқарилган товарни қайси корхонага ўтказиш ҳақида тавсиялар беради, уларга зарур ёрдам кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тadbир мамлакатимиз саноатини ривожлантириш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини, жумладан, масофадан туриб ҳамкорликни янада кенгайтириш, соҳадаги ижобий ислохотларни кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига етказишда кенг имконият яратади.

Шавкат Мирзиёев корхоналар раҳбарлари, тadbиркорлар билан суҳбатлашиб, уларнинг таклифларини эшитди. Шу асосда мутасаддиларга маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган кор-

хоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг йирик компаниялар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш, импортни қисқартириш, ишчи ўринларини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берди.

— Ишлаб чиқарувчи қачон ривожланади? Маҳсулотнинг эгаси бўлса. Бу ярмаркага келган ҳар бир корхона ва тadbиркор натижага эришиши, оддий гайкадан тортиб катта машиналаргача харидорни топиши керак. Уни иштирокчилар рози бўлгунча давом эттириш лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёевга Иқтисодиёт ва саноат вазирли-

стиция олиб келаётган ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни кўпайтириш, ички бозорни мустақамлаш зарурлигини таъкидлади.

— Бундай тadbирлар мунтазам ўтказилса, беш йилдан сўнг маҳсулот сифати ва номенклатураси ўзгаради. Бугун ҳам кичик бизнес субъектлари маҳсулотларидан йирик корхоналар бемалол фойдаланиши мумкин. Бу кичик корхоналарнинг маҳаллий бозордан муносиб ўрин эгаллашига кенг имконият яратади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хорижий сармоялар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг асбоб-ускуна ва маҳсулотлари улуши камида 30 фоиз бўлиши зарурлиги қайд этилди. Айниқса, давлат улушига эга тармоқ ва корхоналарда ушбу талабни кескин қўйиб, шу орқали маҳаллий маҳсулот қиймати ва сифатини ошириш бўйича

белгиланди. Қарийб икки гектар майдонда уч қаватли кўркам иморат қад кўтарди. Тўрт томонда 34 метрлик пештоқлар қурилди. Бинонинг симметрик марказида улкан шарқона гумбаз ўрнатилди.

Мазмунан олганда эса, Президентимизнинг 2017 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ, заминимиз асрлар давомида ҳаёон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганини акс эттиридан илмий-тарихий концепция ишлаб чиқилди.

Биринчи қаватда музей омбори, қадимий қўлёзма ва осори-атикаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш хоналари, нашриёт ва китоб дўконлари жойлашади.

Иккинчи қаватда улкан фойе марказига Усмон Қуръонни қўйилади. Шунингдек, бу ерда Ислому санъати музейи, 435 кишига мўлжалланган конференция зали бўлади. Кўргазмаларда Ўзбекистон тарихи даврлар бўйича, ҳар бир аср, ҳар бир алломага оид манбалар ва ашёлар асосида намойиш этилади.

Учинчи қаватдан эса қарийб 100 минг нусха қўлёзма фондига эга кутубхона, ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва маъмурий хоналар ўрин олади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ислому цивилизацияси маркази шу йўналишдаги илмий муассасалар учун фундаментал база бўлади. Бу ерда маҳаллий ва хорижий мутахассислар илмий тадқиқот олиб боради, уларнинг натижалари асосида комуслар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекўрсатув, фильм ва бошқа материаллар тайёрланади. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчи ва талабалари ушбу масканга келиб, билимини мустақамлашди.

— Бу марказ асрлар давомида халқимизга хизмат қилади, унинг ҳар бир нақши тарихга муҳрланади. Шунинг учун марказнинг беағи, маъно-маъмуни диний ва илмий жиҳатдан асосланган, чуқур ўйланган бўлиши керак. Одамлар ҳам ўқиб, илм оладиган, ҳам юракдан ҳис қиладиган муҳит яратиш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугун дунёдан диний уламулар, исломшунос ва тарихчи олимлар иштирокида халқаро анжуман ташкил этиб, фикрларини ўрганиш, таклифлар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Зиядулла ЖОНИБЕКОВ,
Матвазар ЭЛМУРОДОВ,
Умар АСРОФОВ,
ЎЗА



Эндиликда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ташаббуси билан чиқиш тақиқланди.

Кучли фуқаролик жамияти — эркин ва фаровон ҳаёт манбаи

Миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган фаол демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб бергани билан аҳамиятли бўлди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Президент лавозимига киришни таънабли маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз» мавзусида қилган нутқида ҳам бу борада тўхталиб, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз, аввало, ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянаемиз» дея алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шунга мувофиқ мамлакатимизни жадал сурьятлар билан ривожлантириш, модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Айни пайтда Давлат дастурининг «Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш» йўналишини ижроси доирасида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун давлат сиёсати даражасида изчил, тизимли ишлар амалга оширилаётганига аққол далилидир.

Маълумки, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг яхлит, мустақил тизимини шакллантириш лозим. Қолаверса, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмлари самардорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришга оид тақлифларни ишлаб чиқиш учун илмий-амалий майдон яратиш, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг самарали фаолиятини таъминлаш бу борадаги ишлар самардорлигини оширишда муҳим ўринга эга. Шу маънода Президентимизнинг мазкур қарори билан Фуқаролик жамияти

шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти тасвирчилар кенгашининг институти «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази» этиб қайта ташкил этиш ҳақидаги тақлифига розилик билдирилгани айтилди. Шунингдек, ушбу ҳужжат асосида марказнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур йўналишларнинг ҳар бири фуқаролик жамиятида олиб борилаётган амалий тадқиқотларни ва янгилашларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат.

Мавриди келганда айтиш лозимки, 2016 йилда ilk бор мамлакат аҳолиси ва ҳукуматнинг тўғридан-тўғри мулоқоти йўлга қўйилди. Халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш долзарб вазифалардан бири бўлди. Ушбу қарор билан эндиликда бу борада олиб борилаётган ишларни, халқ билан мулоқот ҳолати ва ривожланишини ўрганиш, давлат органлари фаолияти очиклигини тизимли таҳлил қилиш зарурлиги юкланди. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида илмий ва эксперт доиралар иштирокида амалий тадқиқотлар ўтказилиши, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида келажакда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини янада такомиллаштириш ва стратегик йўналишларини белгилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бу жараёнда янги ташкил этилаётган марказ томонидан фуқаролик жамияти ривожланишининг норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳолатини ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни ўрганиш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, жамиятда сиёсий партиялар ролинини ошириш, рақобатдош кўп партияли тизимнинг ривожланиш даражасини таҳлил қилиш ва сиёсий партиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларнинг электрат манфаатига хизмат қилишини таъминловчи лойиҳалар жорий этилади. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг муаммоларини тизимли

ўрганган ҳолда фуқаролик жамиятини ташвишга солаётган долзарб масалалар бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва жамоатчилик эшитувлари ўтказилади. Эътиборлиси, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси асосида давлат ва жамият ўртасида очик мулоқотни ташкил этиб, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг оптимал ёндашувларини ишлаб чиқиш ҳам Марказнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Марказга фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожлантиришга, шу жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш доирасида қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилган. Бу эса ислохотларнинг илмий ва таҳлилий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиши ва натижада мамлакатимизнинг келажакда ҳар томонлама ривожланишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Мамлакатимиз туб ўзгаришларга юз тутган ҳозирги пайтда мазкур вазифаларни бажаришда давлат органлари раҳбарлари Марказга ҳар томонлама кўмаклашади, сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим этади, ундан олинган материаллар ва тавсияларни кўриб чиқади. Марказ ўз вазифаларини бажариши учун шартнома асосида етакчи, шу жумладан, хорижий муассасалар экспертларини жалб этиш

ҳуқуқига эгадир. Айнан қарорда илгор халқаро тажрибаларни ўрганиб, Ўзбекистон шароитида уни жорий этиш учун 2020–2022 йилларда Марказ ходимларини фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ихтисослашган етакчи хорижий тадқиқот ва таҳлилий институтларига иш ўрганиш учун юбориш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш зарурлиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Бугунги ахборот асрида ҳар бир иш қўламини, унинг сифати ҳамда самардорлиги ошиб бориши тарғибот-ташвиқот ишларига боғлиқ. Шу боисдан ҳужжатда фуқаролик жамияти ривожланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари оммавий ахборот воситаларида, марказий давлат телеканалларида, матбуот нашрларида доимий ёритилиши белгилаб қўйилди. Бундан қўзланган мақсад жамиятдаги ислохотларда фуқароларнинг фаоллигини оширишдир.

Ўзбекистон дунёга янги шаҳдам олимлар билан янги қиёфада буй кўрсатаётган бир пайтда устувор бу вазифаларни амалга оширишда биз фаол фуқаролар, энг аввало, ёши улуг, катта ҳаётини тажрибага эга нуруний оқсоқоллар, ёшлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари маслаҳатчи, тақлифлари ва кўмагига таяниб, фаолият юритамиз.

Рустам НОРЛИЕВ,
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази Сўрхондарё ҳудудий бўлинимаси раҳбари,
фалсафа фанлари номзоди

Болага китоб беринг!..

Ўқувчиларимга қараб туриб, ёшлигим эсимга тушиб кетади. Болалик чоғимда опам билан бирга ўқлардик. У ҳар куни менга, энг қизиқ эртакларни айтиб беради. Кечаси чарчаган опам ухлаб қолар, мен эса «кейинчи...кейинчи...» дея инжикланардим. Опам турмушга чиққанда дунё кўзимга қоронғи кўринган. Сабаби энг яхши инсоним — эртакчимдан айрилгандим...

Кейинчалик 6 ёшли икtidорли болалар мактабига ўқишга чиқдим. Тарбиячи опамиз бизни ухлатиш учун эртак айтиб беради. Ҳаммаси ҳозиргидай эсимда: «Паҳлавон — айиқ-полвон», «Бир юмалаб парига айланиб қолувчи махлуқлар», «Ҳар дардга даво Булбулгўё»... Илк сотиб олган китобим Саманта исмли доворак қиз ҳақида эди. Кейинчалик ҳикоялар ўқий бошладим, қисса, роман деганларидай. То бугунга қалар ўзбек ва жаҳон адабиётидан ўқиган асарларим сонини 300дан ошди. Базан ўйлаб қоламан, бу китоблар менга нима берди?

Китоб ўзи нима? У беминнат дўст, ўзликни англаувчи илм, зулматни ёритувчи нур, ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир! Бу тўғри-я, аммо ёш авлоднинг қандай қилиб китоб ўқишга, китобни севишга ўргатиш мумкин?

У менга, адабиётини севишни, сўз сеҳрини, дунёни англашни, Илоҳиётни, руҳиятни, шеърини, қалб изтиробларини қоғозга туширишни, одамларни кечира олишни, инсониятни севишни, ораторликни яна қанчадан-қанча мен са-

нашга қодир бўлмаган мўъжизаларни ўргатди!

Бир нарсга аминман, болалигимда эртак эшитган бола бир куни ўзи ҳам ўқийди. 5-синфда ҳикоя, 7-синфда қисса,

9-синфда роман ўқишни лозим. Мабодо ўқимаса, дедим, тарбияда кеч қолибмиз... Майли эринмайлик, китобга муҳаббатни бошидан — эртак айтиб беришдан бошлайлик. Адабиёт дарсларида юқори синф ўқувчиларига ҳам бадиий асарлардан воқеалар айтиб бераман. Энг қизиқарли жойида эса тўхатаман. Ўқувчиларим асарнинг тўлиқ матнини топиб ўқишди. Барча дарс бераётган синфларимда санокли бўлса-да, китоб илхосмандлари, сўз сеҳрини севадиган қорақўллар бор! Бу, албатта, менинг ҳам ютуғим.

Болага бериладиган энг тўзал тарбия — унга намуна бўлиш. Биз катталар китобни севадик, болаларимиз ҳам севиши аниқ. Шундай эмасми?

Нилуфар РАҲМАТОВА,
ўқитувчи



Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти ташкил этилди.

Хавфсизлик камари тақилган, ҳужжатлар жойида. Шундай бўлса-да, инспекторнинг хуштаги чалиниб, унинг ишораси билан йўл четида тўхтадим. У келди, ўзини таништирди. Юкхонани кўрди, ҳужжатларни текширди, оғзимни ҳидлади. Унинг хатти-ҳаракатлари шунчалик секин эдики, шошаётганимни, давлат ишида хизмат қилишимни билдирдим.

— Биз-чи, биз, — деди у норози оҳангда. — Биз ҳам чалпак ёғишини кутиб ўтирганимиз йўқ, давлат ишини қўлабтизим.

— Нима демоқчи-сиз?

— Бирор нима ташлаб кетинг...

Безбетларча айтилган бу гапдан жаҳлим чиқди, аммо раҳим ҳам келди. Юкхондан иккита нонни унга узатдим.

Индамай олди.

Ўзимга отар, ким деб уйлаяпсиз бизни, деб айтишини кутдим, аммо ғурурис, орсиз бундай кимсаларга бугун, ҳозирги ўтса, бас, қолгани билан иши йўқ.

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунлариданоқ коррупцияга қарши



к у р а ш и ш, порахўрлик-ка аёвсиз муносабатда бўлиш ҳақида гапирди. Зеро, коррупция тараққий эткуша а н д а с и. Қайси мамлакатда коррупция

ши олади, деган ўй онгимизга ўрнашиб қолган. Фарзандимизнинг ўқитувчисини «совга-салом» билан тез-тез йўқлаб турагимиз, бироқ, ҳеч нарса ўзгармади. Савод масаласи нолга тенг.

Демак, асосий айбдор ўзимиз эмасми?

Ўзимиз эмасми, автомобиль олишдан аввал унинг «шапкаси»га қизиққан. «Шапка»ни беришга «одам» қидирган.

Яқинда хасталик туфайли бир оёғи

сабаб бўлди экан? Келинлар кўзголонидоги Боқи амаки айтганидек: «Хатто Ҳорун ар-Рашид ҳам бунча хазинани кўрмаган». Ҳаром лўқма юкмайди, бир куни тешиб чиқали, деган пандлар эса жигилдон тобеларига таъсир этмайди, афсус.

2017 йил 4 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни коррупцияга қарши курашиш бўйича йил давомида қилинган энг катта амалий қadam бўлди. Бир ой ўтиб, яъни 2 февралда Президент «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади. Жорий йилнинг 27 май куни эса коррупцияга қарши кураш дастури тасдиқланди. «2019 - 2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури» қабул қилинди. Давлат хизматчилари даромадларини декларация қилишга киришилди ва энг коррупциялашган соҳалардан иккитаси: капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилди.

Бу ҳужжатлар тўла-тўқис ишлашидан ҳаммаимиз манфаатдоримиз.

Порахўрнинг уйда ҳаловат йўқ. Қалбида хотиржамлик йўқ. Унинг кўзлари доимо ўйнаб туради. Унда самимият йўқ. Унда ҳамма нарса бўлиши мумкин, аммо виждон йўқ, иймон йўқ.

М.ЖОНИХОНОВ

Бирор нима ташлаб кетинг!

Ҳар куни хавотирда яшаймиз

Аҳоли мурожаатлари

Мамлакатимизда қурилишлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бунда бизнинг маҳалла ҳам четда қолмади. 2016 йил баҳор ойларининг бирида маҳалламизда ёппасига бузилишлар бошланди. Оиламиз билан ўзимизда йўқ хурсанд эдик. Ахир, ким ҳам хоҳламайди дейсиз янги, кўп қаватли уйларда яшашни. Бирин-кетин кўшнилари билан хайрлашдик, яъни қарама-қарши томонимиздаги кўшнилари билан янги уйларга кўчиб чиқишди. Энди навбат бизга деб турганда ишлар тинчиди. Остонамиздан чиқсак, қаршимизда қурилиш.

бир зум кўм бўронига айланиб оёқ туғул бошдан-оёқ оппоқ бўламиз.

3 йилдан ошди, уйимиздан кўчага чиқсак-чиқмасак, кўринали. «Дом», «дом», «дом». Тарақа-туруқ иш қизин, чанг-тўзон (кўшнилари)нинг деярли барчасида, бизнинг уйда ҳам чақалоқлар, гўлак болалар чанг ютиб яшайпти, болаларнинг соғлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ) 40-50 та қурувчининг эртдан-кечгача бақир-чақир, қранчининг кети узилмас «звон»лари, цемент ташувчиларнинг «шақир-шуқури», катта-катта зил-камазларнинг бир ўтишида уйларимизда «зилзила» қайд этилиши, камига зерикан қурувчиларга текин томошақовоқмиз. Ҳа-да, озмунча уй борми қаторимизда, ҳаммамиз кўринамиз. Булар сахарлаб соат 4 дан иш бошлайдилар, тунги 11-12 да араңг тугатишади, шундаям аҳоли «дол» деб чиққанда. Деярли уларнинг кун тартибини ҳам биламиз: Тошмат Эшматга неча пул қарз бергани-ю, Али Валини бўралаб сўккани, Қултой Олтойга «телефонингни ол» дея қрандан бақириб кўяди. А, эшитсин-да халқ, билсин улар иш қилаётганини. Кун билан у ерга андармон бўлсак, кечаси мост қурилиши, масофалаб ер таъмирловлари, теркисловлари, бунинг натижасида маҳалланинг уйларида яна зилзила.


Қани, айтинчи, соғлигини, асабини йўқотётган қарияларимиз, ишга, ўқишга қатнашга қийналаётган ота-оналаримиз, ёшларимиз, кўчада ўйнай олмаётган ва аксинча, чанг ютишга мажбур бўлаётган фарзандларимиз, ҳомилалор аёллар, астма касаллигини орттираётган маҳалладошларимиз, уйга чанг-шовқин кирмасин, дея эшик-деразаларини ёпиб, ёзнинг жазирасида уйда димланиб ўтирган кўни-кўшнилари билан, ногиронларимиз тақдирига, саломатлигига, тинчлигига кимдир эътибор қаратадими?!

Хатто, кундуз кунлари эшикларимизни тамбалаб ўтирамиз қурувчиларнинг дастидан. Чунки уларнинг айримла-

рининг хурмача қилиқлари бор, ичиб-чекиб «кайф» қилиб ўтиради. Кўнглига келса, мусиқани биланд қўйиб машавозлик, хурсандчилик қилади. Атрофини ўраб олишмаганидан ярим-яланғоч юрганларини ҳам кўрасиз. Қани бу ерда маданият, этика-эстетика, олоб-ахлоқ, ахир, шуларнинг дастидан тинчимиз бузилган. Ҳар куни хавотирда яшаймиз, катталар, эркалар ишга кетганда, уйда ёлғиз бўйи етган қизлар, ўсмир ва ёш болалар, келинлар, ҳомилалорлар, қариялар, ногиронлар қоляпти. Ким жавоб беради уларнинг уйда тинч бўлишига, ҳеч қандай хавф туғилмаслигига?! Қани тартиб-интизом, қани масъулиятли мутасадди ташкилотларимиз?! Коммунал хизматларини умуман гапирмасаям бўлади. Вақти-вақти билан электр энергияси, газ, сув, албатта, ўчиб туриши керак. Махсустранс эса хоҳласа, келади, хоҳламаса, йўқ. Нима эмиш, «йўл тополмадик». Қачонки, бирор ташкилотта шикоят қилсангизгина, югуриб келишади. Унганча «олма пиш, оғзимга туш». Ваҳоланки, шуни шикоятга олиб бормасликнинг йўли бор. Ҳамма ўзини вақтида бажарса, бас! Ишонмасангиз келинг маҳалламизга, ўз кўзингиз билан кўринг барини.


Биз Мирзо Улугбек тумани Паркент 4-берк кўчада яшаймиз!!

Нодира СУЛАЙМОНОВА,
ЎЗЖОКУ 1-боққич талабаси



2017 йил шу зайдла ўтди — тақир-туқур, чанг-тўзон. 2018 йил ёз ва куз ойларига келиб қурилишлар авжига чиқди. Ана кўчамиз, мана кўчамиз билан катта кўчамиз (трасса)дан айрилдик. Бир томондан яхши бўлди: турнақатор машиналар «пробкаси»дан, «бибид-дидиларидан» кутулдик, натижада ҳаш-паш дегунча катта кўча бу-

даргоҳларига қоп-қора «лойабзал»да кириб боряпмиз. Баъзи эринмаган кўшнилари билан иккита оёқ кийим олиб юради. Мана, баҳор-ёзда қорайган оёқларимиз оппоқ бўлиб ишга, ўқишга қатнадик, ниманинг шарофати билан, албатта, уюм-уюм тупроқ шарофати билан, ёнимиздан машина ўтса,



Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш инжиниринг компанияси ташкил этилди.

Аёллар мардикор бозорлари — уят эмас, эҳтиёж

Шу кунларда тақдир ва шароит тақозоси билан мардикор бозорга чиққан аёллар ҳақида блоглар ва сайтларда таъсирли материаллар берилляпти. Раҳмингиз келади, нималардандир норози бўласиз, жаҳлингиз чиқади...

Лекин бўёқларни артиб ташлаб, ҳолатнинг ўзига ҳиссиётларсиз баҳо берсак, муаммо кўринганидек аянчли, ечимни туюлганидек қийин эмасдек, назаримда.

Аввало, бир нарсани аниқлаштириб оласак: мардикор бозорига чиқадиган аёллар асосан аёлларга хос ишлар учун ёлланади. Ҳар ҳолда, шаҳарда шундай. Албатта, эркаклардан камроқ пул олади деб гишт қуйиш, лўмбоз ва юк ташиш каби оғир ишларга уларни ёллайдиганлар ҳам учраши мумкин, лекин бу одатдан кўра истисно.

Шаҳардаги аёллар марди-

корлиги асосан уй юмушлари — «уй кўтарар», банка ёпар, таъмирдан кейин уйни тозалаш, гилам ювиш, тўй юмушлари, меҳмон кутишда дастёрлик каби ишлар.

Мардикор бозори — меҳнат бозори. Уерга эҳтиёж доим бор. Бу бозорни шунчаки тартибга солиш керак. Токи аёллар кўчада изиллаб иш изламасинлар. Дуч келган аблаҳ уларни мардикорлик учун ёллаб, кейин бошқа ишларга мажбурламасин. Пулини ололмаса, арз қилиш учун асоси бўлсин. Хуллас, бу аёллар меҳнатини муҳофазалаш керак.

Бунинг учун арзимас шаро-

ит талаб қилинади: минимал жиҳозланган (ёзда салқин, қишда иссиқ) бино, бозорга кириш-чиқишни сураатта олиб турадиган камера, турникет ва ишчи ёллаш билан шуғулланадиган фирмалар (Чилонзордаги «Интегро» савдо марказига қўчиб келган уйбозорни эсланг).

Бунинг учун давлатдан нима талаб қилинади? Айтарлик ҳеч нима. Шунчаки иш изловчи билан ишчи изловчи бир-бирини қулай шароитда тона олишига ҳалақит берилмаса бўлди.

Фирма нимага керак, одамлар шундоқ ҳам бир-бири билан топишиб кетавради-ку дейишингиз мумкин. Мардикор ёллаш икки фуқаро ўртасидаги ўзаро келишув асосида бўлади, бу келишув ҳужжатлаштирилмайди. Шунинг учун бир томонда меҳнат ҳақини ололмаслик, бошқа томонда эса уйига бегона, синалмаган



одамни олиб бориш билан боғлиқ хавфлар бор. Шунга кўра одамларга келишувни ҳужжатлаштириш имконини яратиш тўғрисида сўз борапти, холос.

Тўғри, солиқлар ва бошқа чиқимлар масаласи бор. Лекин кафолатли. Мажбурлаш эмас-у, муқобил сифатида бу жиҳат ҳам бўлиши керак. Ким рискни ўз зиммасига олса, шунчаки оғзаки келишув билан ишлайверсин, бунга тўсқинлик бўлмаслиги керак. Аммо ўша келишувлар ҳам кўча-қўйда эмас расмий қилинишига шароит яратиб берилиши даркор.


Ҳозир ундай фирмалар бор, мен масалан баъзан улар орқали уй тозалашга одам ёллаб тураман. Лекин улар кам ва асосан интернетда фаолият юритишади. Ўзбекистон шароитида реал ҳаётда иш берувчи ва ишловчи ўзаро учрашиб, келишиб оладиган жой керак. Отанг — бозор, онанг — бозор дейишган-ку. Ҳамма ҳам интернетда иш битирмайди, айниқса мардикорликка чиққан аёлларнинг ўз хизматларини интернет орқали тақдим этиш имкони йўқ. Ёлловчилар ҳам ўзлари кўриб, гаплашиб, кейин қарор қабул қилишни исташлари мумкин.

Аёллар мардикор бозорлари атрофида қуруқ оҳ-воҳлар, уерга масъулларнинг популистик ташрифлари шу пайтгача иш бермаган, бундан кейин ҳам бермайди. Замонавий чоралар кўриш даври келди. Бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар қўмитасидан амалий ҳаракатларни кутиб қоламиз.

Шаҳноза СОАТОВА

«Болага уқол қилиб, ҳатто игнасини ҳам олишмаган»

Ўтган ҳафта укам оғзи қулоғида Самарқанддан телефон қилди: қиз фарзанд кўрибди! Кўшилиб қувондик. Эртаси куни хафа бўлиб телефон қилди: чақалоқ юрак пороги билан туғилганмиш... Сабр тиладик. Кейинги куни ваҳима билан телефон қилди: чақалоқ жонлантириш бўлимида эмиш. Худога илтижо қилдик. Тўртинчи куни йиғлаб телефон қилди: «ака, тақдир экан, «узилди».



менга «тил хат» ёздириб олди...

— Нима деб?

— «Боламини оғир аҳволда ўз хоҳишим билан олиб чиқиб кетяпман», деб ёздирди. «Гувоҳнома» ҳам олганимиз йўқ, исм ҳам қўйилмаган эдик.

— Хўп, энди бунга нима дейсиз?

— Худо сенга сабр берсин! Ўзи бериб, Ўзи олибди, чораси йўқ! Биз ҳам етиб борамиз, — дедим.

Хафа бўлиб, йўлга тушдик... Ярим йўлда телефон бўлди.

— Ака, чақалоқ ўлмаган экан!!!

...Юрак пороги билан туғилди деган чақалоқ 4 кун шифохонада бўлган. Бирор марта онасига кўрсатилмаган, эмизилмаган. Тўртинчи куни «барибир ўлади» деб, ота-онасининг қўлига тутқазилди, уйга жавоб бериб юборилган. Бола ярим йўлда «узилган»дек

бўлган. Отаси йиғлаб ҳаммага телефон қилиб чиққан. Улар уйга боргунча домла чақирилган, 2-3 таси қабр қазишга киришган. Чақалоқни кўмишга тайёрлаётганда кимдир билинар-билимас тамшанганини кўриб қолган. Шундан кейин онам (85 ёш) ташаббусни қўлга олган ва ўзининг услубида чақалоқни «силкилаб», «тирилтириб» олган. Биз борсак қизалоқ онасини эмиб бошлаган экан.

— Дўхтирнинг падарига лаянат, — дейди онам. — Бола оч қолган. Томирига уқол қилиб, ҳатто игнасини ҳам олмаган. Шу ҳолатда ўраб бериб юборган. Нечта хотинни уйда ўзим туғдириб олганман. Дўхтири шунақа бўлса, бундан кейин келинларни ўзим туғдириб оламан!

Кейинги пайтларда дўхтирларнинг калтакланаётганини эшитиб ҳайрон бўлгандим. Энди ҳаммаси тушунарли! Дарвоқе, чақалоқнинг қулоғига азон айтиб, исмини Имона қўйиб келдик. Худога шукур, ҳозирча ҳаммаси жойида.

Алишер НАЗАР

— Шифохонадами ҳозир?
— Йўқ, ярим соат бурун дўхтирлар жавоб берганди. Уйга кетаяпмиз йўлда бўлмади. (Самарқанд шаҳри билан уйи ораси 60 км)
— Аҳволи оғир бўлса нега шифохонадан олиб чиқдинг?
— Дўхтирлар «узоғи билан 1 соатларда ўлади, уйингизга олиб кетаверинг, энди иложи йўқ» деганди.

— Дўхтир бундай дейиши мумкин эмас, чақлоқни чиқаришда нима деб расмийлаштирилди?
— Билмадим,

БОЛО

«QURILISH SARALASH SAVDO» МЧЖ устав фонди 610 000 000 (олти юз ўн миллион сўм)дан 103 734 500 (бир юз уч миллион етти юз ўттиз тўрт минг беш юз) сўмга камайитирилганини маълум қилади.



2020 йилнинг 1 январидан бошлаб, Инфляция таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш йўлга қўйилади.

Нафс балосининг қурбони

Суд очерки

Отабек Ҳалимов (исм-шарфлар ўзгартирилган) олийгоҳнинг юқори лавозимларидан бирида ишловчи устоз эди. Мансабидан фойдаланибми, таниш-билишига ишонибми, ўқишга бола киргизаман, деб пора билан қўлга тушди. У ҳам инсон, унда ҳам нафс борку дерсиз, лекин унинг фарзандлари, оиласи энди эл-юрт олдида қандай бош кўтариб юради?

Аслида гап нимада? Бу устоз давлат имтиҳонларига яқин қолган кунларнинг бирида ишга отланади. Таксига чиққанда унда бир қиз ҳам бўлади. Гап орасида О.Ҳалимовнинг олийгоҳда ишлаши билган қиз унинг телефон рақамини сўраб, ўқишга киришди маслаҳат олмоқчилигини билдиради...

Орадан анча вақт ўтган. Давлат имтиҳонлари ҳам тугаган эди. Нотаниш рақамдан кўнги-роқ қилган қиз ўша тасидан танишган ва рақамини олган қиз эканини айтади. Жияни бир неча йилдан буён ўқишга киролмаётгани учун шу йил чет давлат билан ҳамкорликда ташкил этилган бир олийгоҳга ўқишга киритишга ёрдам бериши, бунинг учун унга 5 дарвоқе, чақалоқнинг қулоғига азон айтиб, исмини Имона қўйиб келдик. Худога шукур, ҳозирча ҳаммаси жойида.

Унинг айтишича, ўқишга киргунча, 3,500 АҚШ доллари бериши, қолганини иш битгандан кейин бериши келишилади. Келишилган маблағни олаётганда, қиз кимгадир кўнги-роқ

қилиб, «табриклайман», дейди-ю машинадан узоқлаша бошлайди. Ўзини йўқотиб қўйган О.Ҳалимов орқасидан пулни улоқтиради... Лекин энди кеч эди. Барчасига гувоҳ бўлиб турган қонун ҳимоячилари уни воқеа устида қўлга туширишади.

Судда гувоҳ сифатида қатнашган Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори айтишича, воқеадан олдин М.Акрамхўжаев исмли қиз ДХХга мурожаат қилиб, ўқитувчи «юқорида» ишлайдиган танишлари орқали ўқишга киритмоқчилиги, бунинг учун 3,500 АҚШ доллари талаб қилаётганини баён этади. Шундан сўнг мазкур тadbир амалга оширилди.

Энди ўйлаб кўринг, билибми, билмайми, фарқи йўқ: шундай «устозлар»га фарзандини ишониб топширишга кимнинг қизи қияди. Ахир улар бизнинг келажақ авлодимизни тарбиялаётдику.

Аҳрор ҲОШИМХОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман
суди судьяси



Тиланчилик отамерос касбми?

Мухокама

Тиланчиликка қарши бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлса-да, уларнинг таъсири, самараси сезилмаяпти.

Ҳолбуки, мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят кодексига тиланчилик билан шугулланиш учун жиддий чоралар қўлланилиши белгиланган. Шунга қарамастан нега жойларда, хусусан, Самарқандда тиланчилик кучайиб бормоқда? Шаҳарнинг қайси гавжум жойида бўлманг, албатта, тиланчиларга дуч келасиз. Нега, маҳалли ва хорижий туризм маскани бўлган Самарқандда тиланчилар оқими кучаймоқда?

Тиланчилик касби (агар уни касб деб аташ лозим бўлса) асосан дўли қавмининг кун кўриш воситаси бўлиб келган. Маълумки, дўлилар (бу ҳақда илгари кўплаб фикрлар билдирилган бўлса ҳам) кучманчи ҳаёт тарзини танлаб, кун кўришининг тиланчилик усулидан фойдаланиб келган.

Яқинда бу ҳақда кекса ёшдаги дўлидан бутун тиланчилик билан кун кўришга ҳожат қолмагани, унинг қавми ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланмасликлари сабабини сўрадим.

— Эй, ако мўхбер, без хамеша ота-бобларимиз урф-олатларига амал қилеб яшашга ўрганганмез, — дея жавоб қайтарди у. — Биласез, боболаримиз эркин юриб, эркин туришон. Қолаверса, кем тиланчиға бир танга узатса, Аллоҳ унга ўн танга қилиб қайтарди!

Қариянинг кейинги сўзларини қоғозга туширишни истамадим. Кўнглимда улар мана шундай турмуш тарзидан веза келмасликлари яна бир бор гавдаланди. Ёттибор беринг, ёш-қари, эркак-аёл тиланчиларга ҳар қаламда кўзингиз тушади. Кейинги пайтларда ноғиронлик аравачаларига ўтирган, аслида ноғирон бўлмаган — сопа-соғ тиланчилар ҳам кўпаймоқда. Улар шаҳарга «сигмай» қолишяпти, шекилли, атрофдаги туманларни ҳам «забт этишга» киришмоқда. Деярли ҳар кун Шохӣ Зинда шохбекатида уч-тўртта но-

ғиронлик аравачасига кўзим тушади. Айримларига ёш болаларни ҳам ўтказиб кўйишади. Автобус келиб тўхташи билан «ноғирон» дўли чаққонлик билан аравачадан тушиб, уни йиғиштиради ва автобустга чиқиш пайида бўлади. Охириги пайтларда бундай тиланчилар чипта ҳақини тўламай кўйишган бўлса керак, ҳайдовчи ва чиптачилар ҳам негадир уларни четлаб ўтишяпти.

Тиланчилик усуллари ҳам замонавийлашиб бормоқда. Гавжум жойларда кўпича замонавий кийинган тиланчиларга дуч келамиз. Шохӣ Зинда ва Ҳазрати Хизр қадамжолари орасидаги йўлакларда замонавий тиланчилар ҳам пайдо бўлмоқда. Улар асосан кичик совбабо буюмларни сотиш пайида бўлишади. Шаҳримиздаги деярли барча шифохоналарнинг остонасида ҳам шундай инсонларга дуч келасиз. Саҳоват-пеша халқимиз эса уларни кўргач, ўзига тегишли беморга дўлилар орқали шифо тиламоқчи бўлиб, беихтиёр чўнтагига қўл солади. Тиланчиликни касбга айлантирганлар фақатгина дўлилар эмас. Гавжум жойларда чилдирма чалиб, ёки баланд овозда чала-ярим ашулаларини хиргойи қилиб, тиланчилик қилаётганлар ҳам кўп.

Қонун ва қонуности ҳужжатларимизда тиланчилик билан шугулланувчи кимсаларга тегишли жазолар белгиланганини юқорида тилга олиб ўтдим. Хўш, ушбу қонуний ҳужжатлар ижроси қонун посбонлари томонидан қандай назоратга олинган экан? Сиз ҳам мен каби амин бўлингки, ҳозиргача биронта тиланчи қонуний жазоланмаган. Қилмишга яраша жазо қўлланилмас экан, тиланчилик ижтимоий иллат сифатида турмушимизда илдиз отиб кетаверади.

Қувондиқ ХАЛИЛОВ

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР, ДЕБ 3-7 ЁШЛАРНИ ТАНЛАДИК. САБАБИ, БУ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ БИР ИНҚИРОЗДАН БОШҚАСИГА ЎТИШ БИЛАН ХАРАКТЕРЛАНАДИ. ОТА-ОНАЛАР, ОДАТДА, АЙНАН МАНА ШУ ДАВРНИ УЛАР УЧУН ЭНГ ОФИР ВА ҚИЙИН ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАШАДИ. БОЛАЛАР ҚАЙСАР, ЎЖАР, ШУ БИЛАН БИРГА ЖУДА ТУШКУН КАЙФИЯТЛИ БЎЛАДИ. ОТА-ОНА БУ ДАВРДА БОЛАЛАРНИ ҲАР ХИЛ НОМЛАР БИЛАН ЭРКАЛАШАДИ. МАСАЛАН, «ЖАЖЖИ ҚАРИЯЛАР», «3-5 Ёшли МИЖҒОВЛАР» ЁКИ «ҚАЙСАР 3 ЁшлиЛАР».

«Жажжи қариялар» шаҳсга айланмоқда

Аслида эса ота-она бу даврда асосий ва ягона бўлмаган хатоларга йўл қўйишади. Улар бирданига ўз фарзандларини ҳамма нарсани биладиган, тушунадиган, бажара оладиган катта одамдек тасаввур қилади. Болалар эса ўзлари тўғрисида бундай ўйлашмайди, ўзларини подшоҳлардай ҳис қилишни хоҳлашади.

3 ёшли болада нутқнинг кўламини тушуниш кенгайди, сифати эса юқори даражага кўтарилади. Тадқиқотчи Швачкин мулоҳазасига кўра, болада аввал унли ҳарфларни, кейин ундош ҳарфларни фарқлаш кўникмаси вужудга келади. Катталар ва тенгдошлари билан муноса-

нини англай бошлайди. Ўз жинсига оид ўйин ва ўйинчоқларга қизиқиши юқори бўлади. Кўргазмали-образли фикрлаш устунлик қилади. Уларда сўз бойлиги сезиларли даражада ошади ва ўз сўзларида мураккаб гаплардан фойдаланишни хуш кўради. Бу ёшда ҳаракатчанликка эҳтиёж ортиб, йирик моторика ривожланиши биринчи ўринга ўтади.

Айтмоқчимизки, болангиз билан бирга ўйланг, югуринг, сакраг! Ёки уни бу ишларни қилишга халақит қилманг. Чунки кўп ҳаракатли болаларга хос ва улар учун фойдали машғулотдир.

Маълумотларга кўра, ўжарликнинг асосий сабаблари — болаларнинг мустақиллигини чеклаб қўйиш, эркинлик туйғусини ва ташаббусини сўндириш ва унинг онг хусусиятини (англаш суратини) камситишдан иборатлигини кўрсатади. Бу борада қатор олимларнинг турли мулоҳазаларини келтиришимиз мумкин. Шундай экан, болангизга чекловларсиз ҳаётни кўрсатинг. Бинобарин, бутунни тезкор замонада чеклаш эмас, уни тўғри йўналтириш ота-она зиммасидаги энг муҳим вазифалардан. Сиз йўналтирмасангиз, ҳаёт уни ўз йўлига бошлаб кетади.

Мунира АЧИЛОВА,
Қариш шаҳридаги
26-умумий ўрта таълим
мактаб психологи

Эълон

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2019 йил 25 ноябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқасида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошини тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига АТ «Халқ банки» Қизирқ филиалига тегишли бўлган 2003 йилда ишлаб чиқарилган 75/447 LAA давлат рақамли «ГБАСНГНЕКСИЯДОНС» русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 14 817 527 сўм.

Автотранспорт воситаси билан АТ «Халқ банки» Қизирқ филиали ходими иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2019 йил 25 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо го-

либи белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдолари 2019 йил 10, 25 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса урнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъуляти чекланган жамиятининг Х/р:20208000100512709001. ИНН: 303477661 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО: 01063 ҳисоб рақами-

НОҚС	Якубова Масуда Пазилловна номига берилган Шайхонтоҳур туман Оқилхон Шарофидинов (ҳозирча дарвоза) 1 берк кўча 20-уйнинг қадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
НОҚС	Гаффарова Насиба Хаятовнага Тошкент педогогика коллежи томонидан 2011 йилда К № 2288387 берилган диплом ва унинг иловаси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Энди автотранспорт воситалари ва улардаги фуқаролар Давлат чегарасида 30 дақиқадан ортиқ қолиб кетмайди.



ДАВР ТАНАЗЗУЛИ

Афсуски, миллий тарихимизнинг қора кунлари, яъни XVII асрдан XX аср бошларигача сиёсий беқарорлик, диний жаҳолат касофатидан дунё техника тараққиёти ва жаҳон тамаддунидан хабарсиз қолдик. Маълум бир давр таназзулга юз тутдик.

Ҳа, Нил дарёси сатҳини ўлчаб бугун Миср тараққиётига ҳисса қўшган Фаргоний, «0» рақами орқали LG, SAMSUNG, NOKIA каби компанияларни маънавий қарздор қилган Хоразмий авлодлари поездни кўргач, «Темир махлуқ», дея ҳайратланди.

Ваҳоланки, бу техника Берунийнинг аниқ геометрик формуласи, Фаргонийнинг аниқ физикавий қонуниятлари ҳисобига бунёд этилган эди.

Демак, ўз қобилига ўралиб олган давлат, бошқа маданиятлар билан алоқаларни йўлга қўймайдиган жамият таназзул ва қолоқликка маҳкум.

XIX асргача самурайлар қилчидан бошқа қудратли куч йўқлигига ишонган Япониянинг кейинчалик «очиқ эшиклар сиёсати»ни олиб бориб, капитализм йўлини танлаганига дунё гувоҳ.

Бугун Ўзбекистон ҳам бозор муносабатларига асосланган очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан борар экан, дунё билан ҳамнафас яшаш шарт.

Фақатгина биз дунёдан оладиган турли маданият ва урф-одатлар миллий манфаатларимиз ва азалий қадриятларимизга зид келмаса бўлгани. Муҳими шу.

ЎЗБЕК КУЙИДАН АЛАҲСИРАГАН ЖОСУС...

Европалик жосус Ўрта Осиё хонликлари тарихи ва ҳарбий салоҳиятини ўрганиш учун саройга ўрнашиб олган. Юриш-туриш, қиёфа, хатти-ҳаракат, имо-ишорасидан ажратишнинг иложи йўқ. Ҳақиқий жосус. Қойил. Аммо бу қобилият ўзбек мумтоз музыкаси олдида нақадар ожизлигини ҳис этганига манбалар гувоҳ.

Хуллас калом, муғаннийларнинг хониши, танбур (танани буровчи) ноласидан сарой аҳли бошини сарак-сарак қила кўзини юмиб олганда, қаердандир мусиқага мос равишда оёқ тегиб турган товуш эшитилади-ю, жосуснинг сирини очилди.

Нега очилмасин. «Эй ўғил ҳақдингда тур, отанг сани сотгандаям, инчунин мушфиқ онанг гаплари оғир боггандаям» мисрасидан ота-онаси олдидаги фарзандлик бурни, шарқона руҳий тарбия, Ибн Сино асос солган мусиқа терапияни Фарблага қайси мактабдан ўргансин?!


1935 йил Буюк Британияда «Жаҳон халқлари мусиқа фестивали»да Уста Олим Комиловнинг доира чалган панжаларидан ҳайратланиб, унинг панжаларидан гипслан нусха-

си олингач ҳозиргача Лондон музейида сақланаётган «Ўзбек доирачиси панжаси» ёдгорлигини қаердан билсин?

Бугун Бетховен, Моцарт, Бах мумтоз мусиқасига нари қилиб, оломон Париж саҳнасида Муножот Йўлчиевага қарата: «Мен фалаж эдим. Сизнинг қўшиқларингиздаги дард, мусиқангиздаги сеҳрли оҳанг билан тузалдим», дея севинч ёшини тўхтата олмаган мухлиснинг муסיқий маданиятини қандай англасин?

ГУЛ МЕНИКИ, ЭР МЕНИКИ...

«Келинчак томонидан гул отиш маросими амалга оширилди ва унда гулдастани келиннинг дугоналари илиб олишди»...



Кўз олдинга «Сен етим эмассан» фильмидаги нонга тўймаган болакайларнинг тарелкадаги нон бўлақлариям майли, нон ушоқларини ҳам териб еяётгани келади. Бу болаларку уруш пайти нонга тўймаган. Бу келин дугоналар-чи?

Азал-азалдан халқимизда йигитларнинг оила қуриши ва оиланинг масъулиятини англаши учун кучли руҳий тарғиботлар амалга оширилади.

Мисол учун, келиннинг уйига борган куёв қўлига қанд-курс солинган белбоғ берилади. Куёв отган белбоғни илиб олиш учун куёвжўралар шунақанги тортишади-ки, бу маросим олдида кўпқари хижолат.

Белбоғни муштида маҳкам сиқиб олган йигитнинг онаси тўйхонада гоҳдай керилади.

Керилади-да, шунча йигитлар орасидан айнан унинг ўғли оила ризку насибаси учун бир умр курашиб яшашини исботлаб бергандан кейин.

Фолибона назар солади-да, девор панасидаги гўзал қизлар ўғлига зимдан қараб тургандан кейин.

Мағрурланади-да, ёнидаги аёллар қани эди, шундай абжир, оилапарвар куёвим бўлсайди, дея орзу қилиб қиз ўстираётган онахонларга қарата: «Қизинг бўлса, шундай йигитга берасан-да», дея баланд овозда гапиргандан кейин.

Фарба-чи? Бугун Европа оилашунослари аҳоли демографик инқирозидан чиқиб кетиш учун қизларни оила қуриш ва фарзанд қуришга қизиқтириш билан овора.

Айттайлик, тўйхонада йиғилган омма олдида келин қўлидаги гулни орқага отади. Уларнинг тарғиботи бўйича гулни олган қиз турмушга қиқиси керак. Гулни илиб олиш учун қизларнинг қўллари тегашга чўзиб, эр дардида бир-бирини итариб тепишаётган ўзбек қизларини кўрган Кумуш XXI асрда ҳаётда эмас, «Ўткан кунлар» китобида яшаётганидан хурсанд.

Соч ўрами бузилган, қўйлақлар бир аҳволда, гулни илиб: «Эр борми?» қабилида қўллари билан кўтарган қизнинг онаси тўйхона бурчагига яширинган.

Яширинида-да, тумонат одам олдида қизи «Мана мена

эрсираган. Уйланадиганинг борми?», дея атрофга жавдираб тургандан кейин.

Қизарида-да, давралари аёлларга гап бермасдан қизининг хулқи, ҳатто, ибосига фаришталар ҳасад қилишидек уйдирмаларни тўқиб турган бир пайтда аёлларнинг «Узр, опахон. Ана у гул кўтариб турган тасқарани айтмасизми?», дея мот қилганидан кейин. Агар шундай аёллар тўйхонада бўлса?!

Бошини эгиб туради-да, ниқоҳ маросимида мулланинг «Фалончи қизи, ўзингизни фалончига тан маҳрамликка берасизми?» сўровига худди, уялиб бош қимирлатиш «саҳнаси»ни ўргатган она бугун қизининг тўйхонадаги томошасидан кейин.

Ўйлаб қоласан, бугун баъзи тўйларда гул отиш лавҳаларини жамлаб кино ишласа бўлади. Фақат кинонинг номи «Сен етим эмассан» эмас, балки «Сен эрчис эмассан, тинчлан жигарим!»

ЎЗБЕК ОШПАЗИНИНГ ФАРОСАТИ...

Москвдаги «Казан» (Қозон) ресторани бош ошпази Ҳаким Ганиевнинг ярим тонналик норин таоми тайёрлагани учун «Гиннесс рекордлари» китобига киритилганидан хабар топган хорижий журналчилар маргионлик ошпазига мот қилишмоқчи бўлишди.

— Ҳаким ака, табриклаймиз. Москвада ошхона очиб, яна бунинг устига, «Гиннесс рекордлари» китобига киришингиз, бу — бахт. Лекин бир савол бор? — Марҳамат!

— Сиз ҳар доим интервьюларда «Биз ўзбекларда ўнг қўл билан таом ейди. Ўнг қўл билан барча ишлар бажарилади. Оёқ кийим ҳам ўнг оёқдан кийилади. Фақат ҳожатхонада чап қўл ишлатилади», дея айтиб келасиз. Унда нега бугун норин учун қўйининг чап оёғидан фойдаланингиз?

Биз дунёда «Fastfood» брендини кашф қилдик, дея чираниб, ҳатто, миллий таоми бўлмаган баъзи давлатлар қўй ўзининг оёғига ётгани учун унинг гўшти ер захидан бузилмаслиги, шунинг учун қўйининг таъми бузилмаган чап оёғидан фойдаланишини қаердан тушинсин?!

«Биз дунёга гигиена олиб келдик, унитаз, туалет қоғози олиб келдик», дея чиранаётган Фарб аслида Ибн Синонинг ўлат, зотилжам, вабо касаллиги ялмоғизлар супургисидан эмас, ҳаво, каламушлар орқали юқишини қаердан билсин?

«Дастурхон учун тиш қавлагич, санчқи яратдик, овқатдан сўнг ҳўл сочиқ (влажная салфетка)», дея керилаётган шоввоз аслида «Қарисан, қартасан, асл зотингга тортасан» шиорига амал қилиб, уйқудан уйғонган заҳоти қўл-юзини ювмасдан кофе дамлаб ичмасди.

Хулоса ўрнида, бугун ана шундай «оммавий маданият» сарқитлари борки, на миллий қадриятларимиз, на миллий урф-одатларимизга тўғри келади. Улар шунчаки, пайванд қилишга ярамайдиган бошқа бонинг касалманд новдаларига ўхшайди.

Ота-боболаримиз айтишича, қўчатта пайванд қилинган новда агар мева берса, унинг данагидан кўпайтириб бўлмас экан. Сабаби илдиизи мустаҳкам ниҳолга пайванд қилинган новда илдиизсиз экан.

Мабодо, касалманд новдалар хонадонимиз боғида ўсиб чиққудек бўлса, интернет, телефон, телевизорни ўчириш эмас, балки «тафаккур қайчи» мизни қўлга олсак бўлгани...

Жонибек ШУҲРАТОВ



Яқин қариндошларга тегишли транспорт воситасини ишончномасиз бошқариш имкони яратилди.

Баъзан телеканалларимизда хориж сериаллари ва фильмлари ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани ҳақида турли эътирозлар билдирилади. Бунда жон бор, албатта. Лекин шунча имконият, шунча шароит яратиб берилаётгани билан ҳали кутилган даражадаги миллий киноларимиз чикмади-ям-да. Айрим сериалларимиз ҳамда бадий фильмларимизни нисбатан яхши дейиш мумкин, аммо аксариятнинг сценарийси саёзлик, воқеаларнинг чалқашлиги, боз устига режиссуранинг непрофессионаллиги уларнинг рақобатда чет эл фильмларига ютқазиб қўйишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, санъатдан хабари йўқлар ҳам пул топиш илинжида бугун фильм суратга олаётгани ачинарли. Натижада телеканалларимиз талабга яраша таклиф қабилда иш тутиб, хориж маҳсулотларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда. Томошабин ҳам, табиийки, уларни маъқул кўряпти.

«БАДАЛ»


ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги янги фильм



Чет эл фильмларини бутунлай таъқиқлаш керак, деган фикрга қўшилмаймиз. Бироқ бир жиҳатни унутмаслик лозимки, кино — кучли гоивий таъсирга эга санъат тури ҳисобланади. Шундай экан, хорижий фильмлар замирида ҳам ўзга халқлар тарихи, мафкура-си, сибсати, анъаналари ётади. Ҳаммаси ҳам бизнинг қадриятларга уйғун эмас. Демак, уни кўр-кўрона тарғиб қилиб қўймаймизми, деган мушоҳадага ҳам борасан киши. Мана, нима учун бизга кўпроқ миллий маҳсулотлар зарур ва маъқул...

Ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳимлиги хусусида бот-бот гапирамиз. Ушбу йўналишдаги киноларимиз ҳам қанча кўпай-

са, шунча яхши. Боиси унинг таъсири битта аудиторияга ўнлаб, юзлаб йигит-қизни тўплаб, соатлаб ўқиладиган маърузадан кўра кучлироқ. Бундай йўналишдаги кино асарлари ҳарбий хизматчиларнинг шарафли касбини, юрт тинчлигини таъминлаш йўлидаги фидойилигини кўрсатиб бериш билан бирга навқирон авлодда ҳарбий хизматга бўлган қизиқишни ҳам кучайтиришга хизмат қилади.



Айни мана шулардан келиб чиқиб, «SINTEZ FILM» хусусий киностудияси томонидан «Бадал» номли бадий фильм суратга олинди. Унда бош қаҳрамон тимсолида ёшлик



даврининг жўшқин ва ўзгарувчан давлари, тўғри йўлдан боришнинг муҳимлиги, жонажон Ўзбекистонимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида туну кун фидойи хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг мардлиги таъсири саҳналар орқали бадий жиҳатдан кўрсатиб берилган.

Фильм режиссёри ва бош роль ижроچиси «Қадамлар», «Бурч ва муҳаббат» бадий фильмлари ҳамда «Шоҳсупа»

миллий сериалидаги бош роли орқали халқимизга танилган маҳоратли актёр Шерали Ортиқовдир.

Асосий ролларни эса юртимиздаги энг кўзга кўринган актёрлар — Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эгамберди Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дубляж устаси Ҳошим Арслонов, Меҳридин Раҳиматов, Сейдулла Молдахонов ва бошқа кўплаб ёш таниқли актёрлар ижро этган.

Фильм қарийб 2 йил давомида Фарғона, Қўқон, Андижон, Оҳангарон, Чиноз ва Тошкент шаҳрида суратга олинди. Унинг монтаж ва овозлаштириш ишлари яқунланди. «Ўзбекино» руҳсатномасига эга бўлиб, халқимиз эътиборига ҳавола этиш учун тайёр қилиб қўйилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Бадал»нинг кенгрок варианты, яъни сериал шакли ҳам мавжуд. У бадий фильм намойишидан

кейин телеканалларимизда тақдим этилиши режалаштирилган.

Шерали Ортиқовнинг таъкидлашича, одатда хусусий киностудияларнинг ҳарбий мавзуда сериал олиши деярли кузатилмайди. Асосан давлат буюртмасига кўра яратилади. Аммо ижодкор ҳарбий соҳага қизиққани учун ҳам бу ишга қўл уришга журъат қилди ва ниҳоят асарини яқунлади. Томошабин сериалда фильмда қурмаган воқеаларига ҳам гувоҳ бўлади.

Албатта, биз «Бадал»ни олдиндан мақташ ёки кўкка кўтаришдан йироқмиз. Омад тилишимиз холис. Халқимизга тақдим этилса, ҳаммаси ойдинлашади. Холис баҳони барибир томошабин беради.

Дилбар МАҲМУДОВА,
журналист

Б-ХАВО

22 ноябрь	☁️ +3°C	☁️ +1°C
23 ноябрь	☁️ +6°C	☁️ +0°C
24 ноябрь	☁️ +2°C	☁️ -7°C
25 ноябрь	☀️ +3°C	🌙 -8°C
26 ноябрь	☀️ +4°C	🌙 -6°C
27 ноябрь	☀️ +5°C	🌙 -7°C
28 ноябрь	☀️ +6°C	🌙 -4°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

- Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
- Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташилотлари миллий ассоциацияси.
- Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
- Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
- «Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
- Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
- Ўзбекистон экологик ҳаракати.
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
- «Фуқаролик жамияти — Гражданоқе общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1114 Адади: 1403.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА яқуни:
Топширилган вақти: 17:35
1 2 3 4 5

Мамлакатимизда ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил этилди.

